



18
(1492)-son
7-may
2021

Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz



ЎТМИШДА ҚОЛГАН, ЛЕКИН ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИГАН КУНЛАР

"ХИЗМАТДОШЛАРИМДАН ИККИ НАФАРИ МИНА ТОЗАЛАШ ИШЛАРИДА ҲАЛОҚ БЎЛДИ, – ДЕБ ЭСЛАЙДИ БУГУНГИ ҚАҲРАМОНИМИЗ ШАМСИДДИН АҚБАРҲУҶАЕВ. – КОМАНДИРИМИЗ ВЛАДИМИР МЕНШИХНИНГ, ПОРТЛАМАЙ ҚОЛГАН ГРАНАТАЛАР, МИНА, БОМБА БИЛАН СИРА ҲАМ ҲАЗИЛЛАШМАНГ, ДЕЯ ОГОХЛАНТИРИШИГА ҚАТЪЙ АМАЛ ҚИЛАРДИҚ, АММО АМАЛ ҚИЛГАНИМИЗ БИЛАН САЛГИНА ҚАЛТИС ҲАРАКАТ "УХЛАБ" ЁТГАН МИНА ЁКИ БОМАНИ "УЙҒОТИБ" ЮБОРАРДИ...



5

Қарор ва ижро

САМАРҚАНДА ТАЯНЧ МАКТАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги "Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизими янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" – ги қарорига асосан Самарқанд шаҳрида 9-умумтаълим мактаби Информатика ва ахборот технологияларига ихтисослашган таянч мактабига айлантирилди.

Бугунги кунда мактабда фаолият қўрсатаётган 85 нафар малакали ўқитувчи 1392 нафар ўқувчига таълим бериб келмоқда. Сараланган 5-синф ўқувчилари ихтисослашган иккита синфда информатика, математика, инглиз тили ҳамда работотехника фанлари йўналишида ўзбек ва рус тилларида чуқурлаштирилган билим олмоқдалар.

– Ўқув йили тугаши билан Давлат тест маркази томонидан берилган тест танлови асосида яна иккита синфга 60 нафар ўқувчини қабул қиламиз, – дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Дилбар Мавлонова. – Вилюянтинг ҳар бир шаҳар ва туманларида мана шундай ихтисослаштирилган мактаблар очилиши режалаштирилганлиги сабабли, бошқа мактаблар ўқитувчилари келиб, бизнинг мутахассисларимиз тажрибасини ўрганиб кетишапти.

Мактаб ахборот-ресурс марказида 1000га яқин дарслик ва бадий адабиётлар бўлиб, унда Электрон кутубхона ҳам ташкил этилган. Бу ерда ўқувчилар ўз билимларини янада оширишлари мумкин.

ТАТУ Самарқанд филиали матбуот хизмати

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

МАТОНАТ МАДҲИЯСИ УНУТИЛМАЙДИ!

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида "Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази" ДУК ходимлари Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ва "Шон-шараф" давлат музейига борилди.

Ходимлар дастлаб бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш ўглининг вафодор рафиқалари хотирасига ўрнатилган "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси пойига гул қўйиб, улар хотирасига ҳурмат билдирди. Сўнг ёдгорлик мажмуаси бўйлаб жойлаштирилган экспонатлар билан танишиб, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари ва ота-боболаримиз қаҳрамонликларини эсга олишди. Айниқса, ўзбек халқининг урушдаги ва фронт ортидаги жасоратидан ҳикоя қилувчи видеолавҳалар уларда катта таассурот қолдирди.



Бу мажмуа бугунги тинчлик-осойишталигимиз, фаровон ҳаётимиз қанчалик бебаҳо неъматлигини, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиз эканлигини янада теран англашимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

"РТТМ" ДУК ахборот хизмати

5G-СМАРТФОНЛАР ГЛОБАЛ БОЗОРИ

(2021 йил 1-чораги, млн. дона, бозор улуши %)

1. Apple – 40,4 (30,2 фоиз)
2. OPPO – 21,5 (16,1 фоиз)
3. Vivo – 19,4 (14,5 фоиз)
4. Samsung – 17,0 (12,7 фоиз)
5. Xiaomi – 16,6 (12,4 фоиз)

Бошқалар – 19,0 (14,2 фоиз)

Жами – 133,9 (100 фоиз)



Манба: STRATEGY ANALYTICS

Umadan
Umagacha



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрел куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон ҳамда Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари Тожикистон-Қирғизистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилди. Ўзбекистон Президенти юзага келган вазиятни тез фурсатда ҳал қилиш ва унинг кескинлашувиغا йўл қўймаслик бўйича Тожикистон ва Қирғизистон томонлари эришган келишувларни қўллаб-қувватлади.

30 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга келган ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ДИИХБ ўртасидаги конструктив мулоқот ва самарали шерикликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 апрел куни ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама бўйича видео-селектор йиғилиши ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 1 май куни Тошкент вилоятининг Қиррай туманида барпо этилаётган боғ ҳудудига ташир буюрди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз яқинида улкан манзарали боғ барпо этилмоқда. 25 феврал куни ушбу боғ лойиҳаси муҳокама қилинган эди. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган Истиқлол мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик билан бирга янги боққа кўчатлар ўтказди. Мазкур боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси ҳам бунёд этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ёғи Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнига оид тақдимот билан танишди. Тақдимотда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати танқид қилиниб, қониқарсиз, деб баҳоланди. Май-июл ойларидаги мусобақаларда яна йўлланмаларни қўлга киритиш учун спортчилар ва уларнинг жамоасини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Спортчиларга хизматлари кучайтириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Матбуотда Ўзбекистон Президенти имзолаган "Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ва "Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.

7 май – Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг буйруғига мувофиқ, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси юксалиши ҳамда равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган тизимдаги компания ва жамиятлар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, соҳадаги хорижий ва хусусий корхоналар раҳбар ходим-ходимлари ва мутахассисларининг бир гуруҳи муносиб тақдирланди.

"МОҲИР АЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директор ўринбосари **Дилшод Абдусамиевич АБДУҒАНИЕВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали директори **Акмал Аҳмаджонович ЗАКИРОВ**, "Электромагнит мослашув маркази" ДУК Наманган вилояти Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи **Дилмурод Содиқжонович ТОШПУЛАТОВ**, UNICON.UZ – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг Ихтисослашган ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи **Жамшидбек Дамирович МУҚИМОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК техник директори **Маҳмуд Урайимжонович ТУРҒУНОВ**лар;

"ФАХРИЙ ЁРЛИҚ" билан

"Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали директори **Срәжитдин Сайфутдинович ФАХРУДИНОВ**, "Ўзбектелеком" АК Капитал курилиш бошқармаси бошлиғи **Тимур Тоҳирович ТУСУНОВ**, "Ўзбектелеком" АК "Ахборот тизимлари" филиали директори вазифасини бажарувчиси **Джасур Шукратжанович ШОРАҲМЕДОВ**, "Ўзбектелеком" АК "Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази" филиали директори **Ядгар Рахимджанович ТУЛЯГАНОВ**, "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали директор ўринбосари (техник масалалари бўйича) **Адилбек Мамбетсабурович ДЖУМАНИЯЗОВ**, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Миробод телефон боғламаси Станция иншоотлари цехи 251-электрон автоматик телефон станцияси олий тоифали муҳандиси **Насиба Муминджановна ТАШХОДЖАЕВА**, "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали 10002-тармоқ алоқа боғламаси олий тоифали муҳандиси **Қуват**

Нурмухамедович УРУНБЕКОВ, "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутация маркази" филиали Телеграф алоқалари цехи бошлиғи **Сағдулла Кушакович УБАЙДУЛЛАЕВ**, "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Тахтақўпир туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Абдирахим Абдижамилевич СУЛТАНОВ**, "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси Техник ҳисоб ва паспортлаштириш гуруҳи бошлиғи **Ферузахон Абдураҳимовна САТИМОВА**, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Вобкент туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Рашид Қутлиевич ҚУЛИЕВ**, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали Шаҳарлараро алоқа телефон станцияси участкаси бошлиғи **Абдалим Мизамович ХОЛИҚУЛОВ**, "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати олий тоифали муҳандиси **Орифжон Очилдиевич ОКЮЛОВ**, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Учқизил телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Шермамаат Холматович ШОМУРОДОВ**, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Зокиржон Курбоналиевич ТҒИЧИЕВ**, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Шайхонтохур телефон боғламаси бошлиғи **Шавкат Сайдмуратович БАКИРОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қорақалпоғистон филиали Беруний тумани почта алоқаси боғламаси бошлиғи ўринбосари **Алия Джолдасовна НУРМАХАНОВА**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали директори ўринбосари – почта хавфсизлиги хизмати инспектори **Мамасидиқ Мухторович ҚОДИРОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали Қамаш почта алоқаси боғламаси Қизил қишлоқ алоқа бўлими бошлиғи **Назарали Муратович ТОШМАТОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Навоий филиали Навоий туманлараро почта алоқаси боғламаси "Навоий-4" алоқа бўлими бошлиғи **Зиёда Мажиитовна Юлдашова**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиали Қўшқўпир тумани почта алоқаси боғламаси Ўртаёп алоқа бўлими бошлиғи **Хамид Жуманиёвич МАШАРИПОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиали Бухоро шаҳар почта алоқаси боғламаси 19-алоқа бўлими бошлиғи **Маҳбуба Рўзиевна РУСТАМОВА**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали Зомин туманлараро почта алоқаси боғламаси "Аччи" алоқа бўлими бошлиғи **Улугбек Нуралиевич**

БЕКТЕМИРОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали Нурафшон почта алоқаси боғламаси "Бектемир" алоқа бўлими бошлиғи **Мая Михайловна ТКАЧЕВА**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиали Шўрчи тумани почта алоқаси боғламаси "Далварзин" алоқа бўлими бошлиғи **Муроджон Хамидович АБДИШУКУРОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ "Халқаро почта" филиали Почта ва матбуотта ишлов бериш, айирбошлаш ва жўнатиш цехи алоқа оператори **Исмоил Юлдашевич МУХАМЕДОВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси доценти **Умида Хайруллаевна АРИПОВА**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали "Ахборот хавфсизлиги" кафедраси мудири **Элмурод Сатимбаевич БАБАДЖАНОВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали Ходимлар бўлими бошлиғи **Хуррам Зияевна ШАКАРОВА**, АТБ "Алоқабанк" Бош офис Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармаси бошлиғи **Орифжон Абдураҳимович МУКУМОВ**, АТБ "Алоқабанк" Ходимларни бошқариш департаменти Компенсация ва ходимларни баҳолаш бошқармаси бошлиғи **Акмал Ҳакимович ОЛЛАБЕРГАНОВ**, АТБ "Алоқабанк" Чакана бизнес департаменти директори ўринбосари – бошқарма бошлиғи **Комила Алишеровна ИСАЕВА**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Хоразм Радиотелеузатиш маркази Урганч радиотелевизион станцияси 1-тоифали муҳандиси **Отaxon Ҳайитматович МАТЯКУБОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Навоий Радиотелеузатиш маркази 1-тоифали муҳандиси **Бахтияр Эркинович НОМАЗОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Қорақалпоғистон радиотелеузатиш маркази Шуманай радиотелевизион станцияси электромеханиги **Марат Жумамуратович МУРЗАМУРАТОВ**, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК бошлиғи ўринбосари **Миродил Мухсимович МИРХАДИЕВ**, "Электромагнит мослашув маркази" ДУК Радионазорат ва техник ривожланиш хизмати етакчи муҳандиси **Абдураҳманович ИСМОИЛОВ**, "ALSKOM" суғурта компанияси" АЖ Марказий бухгалтерия етакчи ҳисобчиси **Гулчеҳра Абдураҳимовна АБИДОВА**, Давлат фелдъегерлик хизмати катта инспектори **Собитхўжа Шукуруллаевич АГЗА-**

МУКОФОТЛАНДИ

МОВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси бошлиги **Гулшан Баезовна КУРБАНОВА**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи **Жаҳонгир Саъдулла ўғли ШУКУРОВ**, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети Хамкорликни ривожлантириш ва ҳомийликни жалб этиш бўлими бошлиги вазифасини бажарувчи **Гулшан Бобомуродовна ҲАЙИТОВА**, UzDigital TV МЧЖ Ахборот технологиялари бўлими бошлиги **Андрей Петрович СИДОРОВ**, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор – UZINFOCOM МЧЖ Агроекономика комплексини соҳасида ахборот технологияларини жорий этиш департаменти бошлиги **Музаффар Мирраҳимович СУЛТОНОВ**, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК Тезкор бошқарув пункти катта диспетчери **Олим Абасович ГАПУРОВ**, “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси Ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш бошқармаси бошлиги **Аброр Анварович АХМЕДОВ**, “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига қўмақлаш маркази” давлат муассасаси Лойиҳалаш бўлими бошлиги **Баҳодир Каримжонович ХОЖАМКУЛОВ**, Тошкент шаҳридаги Амита университети Саноат билан ҳамкорликни ривожлантириш бўлими бошлиги **Фуркат Ҳакимович МУҲИДДИНОВ**, “ALOQALOVINA” ДУК Линия иншоотларини лойиҳалаштириш бўлими бош мутахассиси **Мирадил Абидович ШАРИПОВ**, “Xabar” газетаси тахририяти компьютерда саҳифаловчиси **Муҳиддин Маҳмазоирович СОЛИЕВ**, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари **Анвар Акмалович АХМЕДОВ**, UNITEL МЧЖ Объектларни қуриш ва фойдаланишга топшириш бўлими бошлиги **Данияр Абдурасулович ЕРКИНБАЕВ**, COSCOM МЧЖ Баҳрамандликни таъминлаш тармоқларини режалаштириш гуруҳи Таянч ва транспорт тармоқлари бўлими бошлиги **Ефим Грегоревич ОРЕПЕР**, UMS МЧЖ Сотувлар ва маркетинг блоки Тармоқ, сотувлар ва хизмат кўрсатиш назорати бўлими бошлиги **Диляфруз АРИПОВА**, UMS МЧЖ Техник блоки Тармоқдан фойдаланиш департаменти директори ўринбосари **Бахтиёр Ҳабибуллаевич УСМОНОВ**лар;

“ЎЗ КАСБНИНГ УСТАСИ” белгиси билан

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Марказий телефон боғламаси Станция иншоотлари цехи 221/224-ЭАТС олий тоифали муҳандиси Дилноза Ҳабибуллаевна АРИПОВА, “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали Олтинчи техник боғламаси Нукус 1-кабел участкаси электромонтёри **Фарҳад Жангабаевич ДАУЕКЕЕВ**, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали Стандартлаштириш ва сифат менежменти тизими хизмати бошлиги **Эльмира Баяновна Юлдашева**, “Ўзбектелеком” АК “Ахборот тизимлари” филиали Синовдан ўтказиш хизмати бошлиги **Хайрулла Ҳабибуллаевич КАРИМОВ**, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Мўйноқ тумани телекоммуникациялар боғламаси олий тоифали муҳандиси **Гулистан Бекпановна БЕКМУРЗАЕВА**, “Ўзбектелеком” АК Андижон филиали Пойтуғ телекоммуникациялар боғламаси кабелчи пайвандловчиси **Шухрат Аманбаевич ДЖУРАЕВ**, “Ўзбектелеком” АК Наманган филиали Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 227-автоматик телефон станцияси 5-даражали электромонтёри **Валихон Тухтабаевич ФАЙЗИЕВ**, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламаси линия-кабел хўжалиги гуруҳи 5-даражали электромонтёри **Ўлмас Усманович ОБИДОВ**, “Ўзбектелеком” АК Сирдарё филиали Гулистон туман телекоммуникациялар боғламаси Станция иншоотлари гуруҳи алоқа электромеханиги **Тўлқин Холматович АКРАМОВ**, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси линия-кабел хўжалиги кабел пайвандловчиси **Расулжон Турсунович СУБХОНБЕРДИЕВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Тошкент почтамати” филиали Мирзо Улуғбек туманлараро почта алоқаси боғламаси 57-алоқа бўлими почталоғони **Нигматулла Салибаевич САИДОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиали Самарқанд шаҳар почта алоқаси боғламаси 2-алоқа бўлими 3-тоифали почталоғони **Елена Михайловна КАРАГОДОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Сариев тумани почта алоқаси боғламаси алоқа оператори **Наргиза Давроновна ОБЛОКУЛОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиали Балиқчи туманлараро почта алоқаси боғламаси “Дўстлик” алоқа бўлими бошлиги

Зайнабхон Тошболтаевна САФАРОВА, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Наманган филиали Мингбулоқ тумани почта алоқаси боғламаси 3-тоифали оператори **Абдуқаҳҳор Юнусович ЗОКИРОВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси мудири **Мубарак Балтабаевна АБДУЖАППАРОВА**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали “Дастурий инжиниринг” кафедраси катта ўқитувчиси **Александр Алфредович ГОРОВИК**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот технологиялари ва дастурлаш” кафедраси мудири **Замира Жумамуратовна АЛЛАМУРАТОВА**, АТБ “Алоқабанк” Марказлаштирилган ахборот технологиялари ечимлари маркази директори **Умид Шухратович ПУЛАТОВ**, АТБ “Алоқабанк” Амалиёт бошқармаси ҳисоб-амалиёт бўлими бош бухгалтер **Дилноза Халиловна КАРИМОВА**, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Тошкент радиотелеузатиш маркази Техник эксплуатация бўлими бошлиги **Жонибек Турсиналиевич МУҲАММАДИЕВ**, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Сурхондарё радиотелеузатиш маркази Учқизил РТС етакчи муҳандиси **Нуридин Жайлович САТТАРОВ**, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК 2-тоифали электрон-муҳандиси **Наталья Александровна КЛИМОВА**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Фарғона вилояти Электромагнит мослашув хизмати 1-тоифали муҳандиси **Любов Лутфуллаевна ИСРАИЛОВА**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Иқтисодий таҳлил ва маркетинг бўлими 1-даражали алоқа оператори **Татьяна Викторовна ПРОКОПЕНКО**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Самарқанд вилояти Электромагнит мослашув хизмати 1-даражали радиооператори **Алфия Рафаиловна БЛИНОВА**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси хизмати етакчи мутахассиси **Мирвасил Мирхасилович УСМАНОВ**, UzDigital TV МЧЖ Жисмоний шахслар билан ишлаш бўйича абонент бўлими бошлиги **Сабина Айдиновна ИСМАИЛОВА**, Алоқа тарихи музейи электромеханиги **Юрий Геннадевич КОЛОМЕНСКИЙ**лар тақдирландилар.

ҲОЛИБЛАР МАЪЛУМ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ!

Азиз газетхонлар!

Хабарингиз бор, жорий йил бошида “Xabar” да ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси ходимлари, фахрий алоқачилар ҳамда талабалар ўртасида иншоот ва мақолалар танловини эълон қилган эдик.

Танловга қўллаб-қувватлаш келди. 7 май – Алоқачилар касб байрами арафасида танлов якунланди ва тахририят жамоасидан тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан энг сара мақолалар танлов олинди. Унга кўра қуйидагилар ғолиб бўлди:

“Бу соҳада нималарга эришдим?” мавзуда – ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассис, раҳбар-ҳодимлар ўртасида

Зайниддин МУҲИДДИНОВ (Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси кабелчи-пайвандловчиси) “Мен ўз соҳамни топдим” мақоласи учун.

“Нима учун бу соҳани танладим?” мавзуда – ахборот технологиялари йўналишида таълим олаётган талабалар ўртасида

Ҳотамова Ситорабону Аҳмад қизи (ТАТУнинг ахборотлаштириш ва кутубхоначилик йўналиши талабаси) “Я решила стать библиотекарем” мақоласи учун.

“Бу соҳадан топганларим” мавзуда – соҳа фахрийлари ўртасида

Расулжон ота Қамбаров (Фарғона вилояти) “Азизлик мақомига етказган касбим” мақоласи учун.

Ҳолибларнинг ҳар бирига тахририятнинг махсус мукофоти – Xiaomi Redmi 9 смартфон ҳамда Фахрий ёрлиги берилди.

Диққат! Тахририятимизга танлов учун мақолалар тўхтовсиз келаятганини инобатга олиб, танловни давом эттиришни маълум қиламиз. Танлов шартлари ва совринлари ўзгармаган ҳолда рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам қўшилди. Навбатдаги ғолиблар 8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни эълон қилинади.

ТАНЛОВГА

ХОЛАМ МЕНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМ

Ёшлигимда холамникига жуда кўп борар эдим ва ҳар хил электр асбобларини таъмирлаётганини кузатиб ўтиришни ёқтирдим.

Кунларнинг бирида холам мендан “Сен ким бўлишни истайсан?”, деб сўраб қолди. Мен жарроҳлик йўналиши бўйича шифокор бўлишни, инсонларда жарроҳлик амалиётларини ўзим олиб боришни истайман, дедим. Холам эса: “Шифокорлик жуда қийин ва қатгис касб. Сен яхшиси менга ўхшаган алоқа соҳасининг муҳандиси бўлгин. Бунда сен инсонларни эмас, балки алоқа соҳасининг жарроҳи бўласан – одамларнинг узоқ йўллари яқин қилишда иштирок этсан, агар асбоб-ускуналарда носозликлар пайдо бўлса, ўзинг “жарроҳлик” амалиётини ўтказасан, бузасан ва яна тузатасан”, деди. Бу гаплар, яъни бузасан ва яна тузатасан деган гаплар менга жуда ёқди.

Шундай қилиб, мен 1985 йилда Тошкент электро-техника алоқа институти имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалikka қабул қилиндим.

Бу мақола ўзим ҳақимда эмас, балки камтар, содда, меҳнатқаш ва самимий холам Жумагул Муратова ҳақида. Жумагул Муратова 1947 йилда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрининг оддий ишчи оиласида туғилган.

Мактабни битиргач ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб, Тошкент электротехника алоқа институтига қараб йўл олди. Ушбу институтнинг имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, кўп каналли электр алоқа йўналишига талабалikka қабул қилинди.

Олий даргоҳни битиргач, Жумагул хола курсдоши сурхондарёлик йигит

Аширвали Даминовга турмушга чиқди. Икки ёшни, алоқа соҳасида кадрлар танқислиги ҳукмронлик қилаётган бир даврда вилоят алоқа тармоғига ишга чақириб олишди. Файратли, шижоатли, билаклари кучга тўла ёш алоқа соҳаси муҳандисларининг фаолиятлари, яъни машаққатли, лекин шарафли бўлган меҳнатлари шу йўлдан бошланди.

Меҳнат фахрийси, вилоят алоқа соҳаси биринчи муҳандис аёли бўлган Жумагул Муратова ўзининг иш фаолияти давомида Термиз шаҳар линия алоқа цехида муҳандис, катта муҳандис ва цех бошлиғи лавозимларида ишлаб келди.

Кейинчалик уни вилоят Давлат алоқа инспекцияси-га инспекторлик вазифасига таклиф этишди.

Жумагул Муратова турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашди. Албатта, бу жуда мураккаб ва шарафли иш, аёл киши учун айниқса ўзига яраша қийинчилик, машаққатлари ва жуда кучли меҳнатни талаб этишини ҳам ёддан чиқармади. Ва ниҳоят эл-юрт равнақи йўлида ва алоқа соҳасини ривожланишига ҳиссасини қўшишни ўзига шараф деб билиб, розилик берди. Бир қанча вақтдан сўнг вилоят Давлат алоқа инспекциясига бошлиқ лавозимига тайинланди.

Бу икки фидойи инсон 4 нафар фарзандларининг барчасини олий маълумотли қилиб тарбиялашди. Тўнғич фарзанди қизи шифокор Юлдуз Даминова 2020 йил 26 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан таъсис этилган



“МЕНР-САНОВАТ” кўкрак нишон билан тақдирланди. Ўғли Илҳомжон Даминов Термиз давлат университетининг кафедра мудири — доцент. Яна бир фарзанди Жамшид соғломлаштириш бўйича ўз касбининг устаси. Кенжа ўғил Иқром ота касбини танлаб, вилоятда алоқа соҳасини ривожлантиришида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фарзандларининг бу даражага етишишларига сабаб албатта ота-онанинг тоза, пок ва ҳалол бўлишидадир. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари эвазига,

фарзандларини ҳам худди шундай элу юртга нафи таъдиган, меҳнатқаш қилиб тарбиялаб вояга етказишди.

Жумагул Муратова меҳнатлари самараси ўлароқ, Алоқа вазирлигининг “Аъло даражали мутахассис”, “Моҳир алоқачи” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Мен холам билан фахрланаман. Ҳар бир эришган ютуқларимда холам менга йўлчи юлдуз.

Муқаддас ЖўРАБОЕВА,
“Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали ходими

Дил изҳори



ҚАДРИБАЛАНД КУН ДУОЛАРИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалимиз томонидан ташаббускорлик билан ишлаётганларга ва кўп йиллар соҳада тер тўкиб, эндиликда фахрийликда бўлганларга ўзига хос эътибор кўрсатилишини доим ҳис қилиб яшайман. Аёллар байрами муносабати билан ташкил этилган тадбирга ҳам таклиф этилдимки, бунинг учун ҳар қанча шукрлар айласам арзийди.

келди, мазкур азиз қадамжо анча ободонлаштирилибди. Кувонарлиси ободонлаштириш, кўкамламзорлаштиришдек эзгу ишлар давом эттирилган экан. Қойил қолмай илож йўқ. Барака топишсин. Кам бўлишмасин. Уша оний дамларда дилмидан кўп гаплар ўтди. Бу макон менга ҳар бир кунинг ғанимат, ҳар кунининг яхшиликлар билан зийнатлаб яша, деяётгандек эди. Бинобарин, муқаддас манзил берган ҳикмату хосиятни, сафар якунида бир пиёла чой устидаги ширин дийдорлашув мазмунию моҳиятини ҳеч нарса беролмайди.

Ушбу дил изҳорини ҳам шу Рамазон фазилати, талаби ила ёзишни ихтиёр этдим. Биз фахрийларни унутмай, эъзозлаётган филиалимиз директори

Алижон Ибрагимовдан, касабаяшмаси кўмитаси раиси Муродил ака Маҳмудовдан чексиз миннатдоримиз. Зотан, бу дуоларни етказиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Дуолар тез қабул бўладиган шу улуг айёмларда ёши улуг фахрийлар тилагини айтаман: почта соҳасига раҳматлар ва барокатлар ёғилсин. Бизни қадрлаганлар икки дунё саодатини кўришсин, олижаноб юмушлари бардавом бўлаверсин.

Юртимиз алоқа соҳаси ривожийўлида тинмай меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимизни 7 май – Алоқачилар кунини фахрийлар номидан муборакбод этаман!

Замирахон АЗИМОВА,
Данғара туманида яшовчи фахрий

Маърифат

ФИЛИАЛДА КУТУБХОНА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали ходимларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг китобга бўлган меҳрини кучайтириш мақсадида “Филиал кутубхонаси” ташкил қилинди.

Ҳозирда кутубхонада ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидаги мингга яқин китоблар мавжуд. Шунингдек, жаҳон адабиёти дурдоналари ҳамда соҳага доир китоблар жой олган. Китобхонларга барча шароитлар яратилган.

Кутубхонага “Филиал кутубхонасига мендан бир китоб совға” шиори остида турли китоблар тўхта этилди. Бу борада алоҳида жонбозлик кўрсатган Амударё тумани телекоммуникациялар боғламаси 1-ўринни қўлга киритди. Нукус шаҳар ва Чимбой туманлари телекоммуникациялар боғламалари иккинчи, Қўнғирот ва Тўрткўл туманлари телекоммуникациялар боғламалари учинчи ўринга лойиқ топилди.

Филиал кутубхонасини ташкиллаштиришда фаол иштирок этган барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари кимматбахо совғалар ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

“Ўзбектелеком” АК
Қорақалпоғистон Республикаси филиали матбуот хизмати

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

1 УЎТМИШДА ҚОЛГАН, ЛЕКИН ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИГАН КУНЛАР

Тошкентлик 78 ёшли Шамсиддин Акбархўжаев 2005 йилдан бери Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Компютер тизимлари” кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Самирий, камтар, оҳиста сўзлайдиган устознинг шогирдлари ҳам ўзи каби камтар ёшлар.

“Домламит дарсга кирганлариди хонада қанақа вазият ҳукм сурмасин овозлари ҳаммаша сокин, ҳеч қачон қаттиқ гапирганини ёки бақириб уришганини эшитмаганмиз”, дейди доцент Шахноза Позилова.

“Устозни кўриб илм қилишга ҳавас уйғонган менда. Устоздан пунктуаллиқни, талабаларни дарсга қизиқтира олиш усуллари ўргандим”, дейди катта ўқитувчи Гулноза Ҳамроева.

“Устоз қаерда бўлса ўша ерда илмга ёшларда қизиқиш уйғонади, ёшларни олимпикка, илмга қизиқтириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди”, дейди доцент Камола Абдурашидова.

Бугун устозини ёшлар ана шундай ҳурматлаб эслайди ва яхши кўрилади.


Саксон ёш остонасида турган устоз ёшларга хотираларини кечагайди эслайди.

– Отам, Нажим Акбархўжаев Политехника университетининг “Математика” кафедраси мудири бўлган, доцент лавозимида ишлаган. Отам 27 ёшида урушга кетган. Болалигимизда кўп бор ўқтирдиди: “Нимани ният қилсанг ўша бўлади, фақат яхши ният қилиш керак”. Урушга поездда кетаётган отамга курсдоши нуқул: “Мен барибир омон қайтмайман, тирик қолишимга кўзим етмайди”, деган экан. Ўшанда отам: “Яхши ният қил, Худо хоҳласа биз албатта омон қайтаемиз”, дейишига қарамай

ўртоғи ўз фикрида қолган. Шу тахлит поезд тўхтаган пайти ҳали уруш бўлаётган жойларга етиб бормасдан ҳамма оёқ чигилини ёзиш мақсадида пахта тушишганида бирдангина бомбардимон бошланиб қолади ва ҳаммага ётиш буйруғи берилади. Бомбардимон тинчигач, аскарларни санаб поездга киргизишарканда ҳалиги омон қайтмаймиз деган курсдошининг бомба остида қолгани аён бўлади...

Шамсиддин аканинг отаси эса яхши ният қилганидек урушдан қайтиб яна ўша сеvimли ишини давом эттиради. Буни қарангки, отасининг ҳали уруш хотиралари тугамасдан Шамсиддин Акбархўжаев ҳарбий хизматда сапёрлик қилади – уруш тугагач 20 йилдан сўнг. 23 ёшли Шамсиддин Акбархўжаев 1967 йилгача ҳарбий хизматни Украинанинг Донецк ва Ворошилов вилоятларида Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларида портламай қолиб кетган снаряд ва миналарни топиш, уларни зарарсизлантириш ишларида фаол қатнашган. Ва ушбу хизматлари учун қаҳрамонимизнинг кўксини кўплаб медаллар безаб турибди.

“Уруш тугаганига анча бўлганига қарамай унинг асоратлари неча юз йилларга татишини ҳарбий хизматдаги фаолиятим давомида яна бир бор гувоҳ бўлдим”, деб эслайди яна ўша кунларни Шамсиддин ака. – Чунки 20 йил давомида сапёрлар қаердаки уруш бўлган бўлса ўша ерни портловчи моддалардан тозалаб келишган, мен икки йиллик хизмат даврида уш мингга яқин ана шундай портловчи моддаларни зарарсизлантирдим, мендан кейин ва ҳамон қанчадан-қанча сапёрлар уларни зарарсизлантирмоқда.



– Уруш тугагач одамлар албатта уй жойларини қайтадан қуришади ёки ўша ерда шаҳар бунёд қилишади, зарарсизлантирилмаган мина ёки бомбалар бир умрга қолиб кетиши мумкинми?

– Масалан бир уйга бомба тушди, у 4–5 метр чуқурликда, уй эгаси нима қилади, томни таъмирлайди, полни тешигини тупроқ билан тўдириб полни ҳам таъмирлаб ўша бомбани устида яшайверади. Лекин буни қанчалик таҳликали ва кўрқинчли эканини фақатгина ўша уй эгаси билади. Бизга жуда кўп хатлар келарди, уйдаги бомбани ёки минани зарарсизлантириб бериш ва қовлаб олиб ташлаш ҳақида.

– Чуқурни қовлаб бомбани қидираётганингизда ҳаёлингиздан нималар ўтарди?

– Бошида жуда кўрқардик,

кейин ўрганиб ҳам кетдик. Аммо ҳар сафар миянгииз бир лаҳзалик портлаш ва сизнинг йўқ бўлиб қолишингиз ҳақидаги фикр тарк этмайди. Қўлга ушлаб уни машинага ортиш ва овлоқ жойга олиб боришнинг ўзимиз бир таҳлика. Чунки салгина ҳаракат уни портлашига сабаб бўлиши мумкин...

– Мана бу суратнинг га-ройиб тарихи ҳақида гашириб берсангиз.

– Бу ерда мен 50 килолик портламай қолган бомбани қазиб олаётган лаҳзаларим акс этган. Ушбу суратни олган фотограф 1967 йили “Уруш садоси” деган суратлар танловига гилиб бўлган. Ва мен гилиб фотограф Борис Витковни табриклаб хат ёзганман. Ўша хатим асосида 1968 йил “Комсомолская правда” газетасида мен ҳақимда мақола ҳам чоп этилган.

Шамсиддин ака билан суҳбат жараёнида бир нарсани англадик, уруш тугагач йиллар ўтиб ҳам ўз асоратини кўрсатаверади. Оналар умрининг охиригача урушдан қайтмаган фарзандларини кутиб ўтиб кетадилар. Қанчадан-қанча болалар ота меҳридан мусову бўлади, урушнинг иқтисодий зарари, шаҳарларни вайрон қилиш ва уни тиклаш учун бир неча йиллар кетиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Лекин урушнинг яна бир катта асорати, бомбардимон қилинган шаҳару қишлоқларда портламай “ухлаб” ётган, ҳар лаҳзада уйғониши мумкин бўлган, бевосита кимнингдир умрига зомин бўлиши эҳтимоли катта бўлган мина, бомба, граната каби ажал уруғининг ер қаърида исталган пайти портлаб кетиши мумкинлигидир. Уни олиб ташламасангиз ҳам қачондир, масалан, қурилиш бўлаётганда, ерни қовлаб нимадир экилаётганда барибир портлаши мумкин экан.

Шамсиддин Акбархўжаев урушнинг асоратларини бор бўйи билан ҳис қилган инсон. Шу учун бу дунёда энг қадрлайдиган нарсаси тинчлик ва шундай тинч замонда тинмай

меҳнат қилиш. Тошкент ахборот технологиялари университетига дарс бериш асосида қанчадан-қанча талабанинг ўз касбига бўлган меҳрини оширишга ҳисса қўшмади, дейсиз. Қанчадан-қанча ёшларга устозлик қилмади, дейсиз.

“Баъзида командировкаларга вилоятларга чиқсам, “Сиз мени ўқитгансиз домла, уйимда меҳмон бўлинг”, дейдиганларни учратиб қоламман. Демак, умрим зое ўтмади, дея фахрланади устоз.

Шамсиддин Акбархўжаевнинг турмуш ўртоғи Назира ая химик, бир ўғил ва икки нафар қизлари ҳам олий маълумотли. 12 нафар невараси албатта зиёли бобосининг этагидан ушлаган. Баъзилари ҳатто хорижнинг энг нуфузли олий-гоҳларида таҳсил олишади.

“Ўзи неварам 10 нафар”, дейди суҳбатдошим, фахридин укам автоҳалокатдан вафот этган келимин турмушга чиқиб кетди. Ўғлини ўзим катта қилдим, уйли-жойли қилдим, икки нафар боласи ҳозир менинг невараларим ҳисобланади”.

– Демак фарзандингиз уч эмас, тўрт нафар.

– Мен доим болаларимни тўрт нафар деб келаман.

Ю нусободнинг Бодомзор мавзесида ана шундай инсон яшайди. Камтаргина ҳаёт йўли давомида жуда катта синовларга қарши тик туриб кураша олган олижаноб қалб эгаси самимий Шамсиддин Акбархўжаев яна бир бор инсонни меҳнат, илмга ташналик юксакликка кўтаришини исботлаб умр кечираётгандек. Биз устоз билан хайрлашиб йўлга чиқдик. Қаердадир болаларнинг қувноқ кулгулари эшитилади. Биз ўтмишда қолган ва шу билан бирга бизга жуда яқин уруш талафотларини ўз кўзимиз билан кўрган одамлардек сукутга чўмганча йўлда давом этдик...

Барно СУЛТОНОВА,
“Xabar” мухбири

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар



ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ҳузуридаги академик лицейи ўқитувчилари ва ўқувчилари 9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олдилар.

Улар Пайарик туманидаги Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 99 ёшли Мамадоли бобо Сиддиқов, Самарқанд шаҳар Давлатшоҳ Самарқандий маҳалласида истиқомат қилувчи 98 ёшли Очил бобо Жабборов ва Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги Наврўз маҳалласида умргузаронлик қилаётган Абдулла Нуруллаев хонадонларига ташриф буюришди. Уларга гулдасталар ва эсдалик совғалари берилди.

Билим даргоҳининг бир гуруҳ педагоглари бу тадбирни ZOOM платформаси орқали кузатишди. Видеоконференцияда ота-боболаримиз кўрсатган жасоратлар, урушдан кейинги йиллардаги қаҳрамонликлари, мустақиллик йиллари фидойиларининг хизматла-

ри, ибратли ҳаётлари тилга олинди ва уларнинг заҳматли меҳнатлари улғунди.

Видеоконференция тафсилотлари филиал ҳамда академик лицей сайти ва телеграм каналига жойлаштирилди. Бу билан танишган ёш ўқитувчилар ва ўқувчилар қалбида оталар жасорати, уларнинг Ватан, юрт равнақи йўлидаги фидойиликларига, умуман тарихимизга нисбатан ҳурмат, қадр, меҳр ва эъзоз туйғулари уйғонади, албатта. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, тадбир тўғрисида ўқитувчи ва ўқувчилар ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда замонавий технологиялар билан ишлаш малакаларини ҳам оширдилар.

Ушбу хайрли ишларни ташкил этишда академик лицей ижрочи директори Сайёра Ҳамроева алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

Хотира абадий – ҳаёт бардавом



ХОТИРА – ИНСОН ВАФОТИДАН КЕЙИН ҲАМ БУ ДУНЁДА ЯШАШ ИМКОНИНИ БERAДИГАН БИР-ДАН-БИР МАКОН. ОДАМЗОТНИ ОРТДА ҚОЛГАНЛАР ЁДИДА ЯХШИ НОМ БИЛАН ЭСЛАНИШ ИЛИНЖИ ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ. УНИ ЭЗГУ-ЛИКЛАР, КИШИЛАРНИНГ БИРОР ҚОРИГА ЯРАШ, УМРНИ ЗОЕ КЕТ-КАЗМАСЛИК КАБИ ХИСЛАТЛАРГА УНДАЙДИ. БУНДАЙЛАР ЭСА ТИ-РИКЛИГИДА ҲАМ ҚАДР ТОПАДИ. ЯХШИЛАРНИ НАҲАҚАТ ЯҚИНЛАРИ, ДЎСТУ БИРОДЛАРИ, БАЛКИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ ВА ХАЛҚИ ҲАМ АСЛО УНУТМАЙДИ...

Алоқа соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган, меҳнатдан, изланишдан асло чарчаманган, яхши инсон сифатида дўстлари, шогирдлари қалбида мангу қолган Алишер Абдуазизов ҳақида ҳам жуда кўп илиқ сўзларни айтиш мумкин.

У 1961 йил 14 май куни Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳаси, Орифон (Оқилон) маҳалласида зиёв оиласида дунёга келган. Отаси – Абдушукур ака физик олим, техника фанлари номзоди, онаси – Муҳаррам ая эса бошланғич синф ўқитувчиси бўлган.

Алишернинг ота касбига иштиёқи устун келиб, 1978 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг радиоалоқа, радиозиттириш факултетига ўқишга киради. Олийгоҳни 1983 йили тугатиб, Республика

ЧИН ДЎСТ ВА ҲАҚИҚИЙ УСТОЗ ЭДИ

радиозиттириш овоз ёзиш (Радиоуи) уйида цех муҳандиси вазифасида иш бошлади.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, Тошкент алоқа политехникумида лаборатория мудирини бўлиб ишини давом эттирди. Кейинчалик республика сув ҳўжалиги тизимида ҳам турли лавозимларда ишлаб, тажриба орттиради. Алоқа соҳасидаги фаолиятини эса 2001 йилда “Чирком” ҚК сервис маркази раҳбари сифатида бошлади.

Ушна вақтларда рақамли автомат телефон станцияларига сервис хизматлар асосан чет эллик мутахассислар томонидан амалга оширилди. Алишер Абдуазизов Сервис марказига маҳаллий кадрларни жалб қилиб, соҳа ходимлари малакасини ошириш орқали республикадаги Alcatel русумидаги АТСларда хизматларнинг тўлиқ маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилишига эришди.

У чин маънода серқирра инсон эди. Зиммасига юкланган ҳар қандай вазифани ортиги билан бажариб, ишониб топширилган лавозимнинг масъулияти қанчалик залворли эканини қалбан ҳис қиларди. Ёшларни доим қўллаб-қувватларди. Бу “Ўзбектелеком” АК “UzNET”, “ТТТ” филиалларида курилиш бўйича директор лавозимларида фаолият юритган даврда яққол кўзга ташланди. Айниқса, Тошкент ахборот технологиялари университетида молия ишлари бўйича проректор бўлган кезларида асосий эътиборини олийгоҳнинг техник базасини янгилаш ҳамда талабалар ётоқхоналарида уларнинг яшаш шароитини яхшилашга қаратганидан ҳам илгаш мумкин.

Республика ахборот-кутубхона маркази ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонага раҳбарлик қилган даврида эса вилоят кутубхоналари китоб фондиди кўпайтиришга эришиб, тўлиқ ҳужжат ва маълумот алмашиш тизимига ўтиш ҳамда электрон кутубхоналарни яратиш, шунингдек, китоб фонднинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришда, халқаро китоб форуми INFOIBнинг Ўзбекистонда ўтказилиши ва унинг ташкилий ишларида фаоллик кўрсатди.

Алишер Абдуазизов “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида ва “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиалида директор ўринбосари лавозимида фаолият юритганда мавжуд магистрал тармоқни захиралаш, ривожлантириш, халқаро аҳамиятга эга бўлган оптик толали алоқа линияларини куриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ҳам жонбозлик кўрсатди. Масалан, Термиз (Ўзбекистон) – Хайратон (Афғонистон) (19,4 км), РРЛ Термиз (Ўзбекистон) – Хайратон (Афғонистон) (РРЛ 13,74 км), Андижон (Ўзбекистон) – Уш (Қирғизистон) (53,4 км), Қўнғирот (Қорақалпоғистон) – Бейнеу (Қозоғистон) (416 км), Келес (Ўзбекистон) – Чичерина (Қозоғистон) (26,5 км), Келес (Ўзбекистон) – Сайроғоч (Қозоғистон) (6,573 км), Пахта (Ўзбекистон) – Абай (Қозоғистон) (27 км) каби кўплаб катта-катта лойиҳалар шулар жумласидандир.

Алишер Абдуазизов 2016–2017 йилларда “Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси бош директори ўринбосари лавозими-

да ишлаган йиллари Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телевидение тармоғини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириб, бунда 96та юқори қувватли ва 360та кам қувватли узатгичларнинг олиб келиниши, 57та РТСларда техник хоналарнинг тайёрланиши, рақамли узатгичларнинг монтаж қилиниши, сошлаш ва ишга туширилиши ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш ишлари йўлга қўйилган. Олиб борилган ишлар натижасида мамлакатимиз аҳолисининг рақамли телевидение билан камраб олиниш даражаси 100 фоизга етказилган. Қадри хамкасбимиз 2019 йилдан “РРТМ” ДУК капитал курилиш бўйича директори вазифасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширишда бор куч-ғайратини сарфлаб меҳнат қилган эди...

...Афсуски, 2020 йилнинг 20 июл санаси нафақат Алишер Абдуазизов хонадони, балки ахборот технологиялари соҳаси учун қайғули кун сифатида ёдда қолди. Меҳрибон фарзанд, идеал ота, оққўнғил инсон, чин дўст, касбига садоқатли мутахассис, ҳақиқий устоз унга таяниб қолган қалбларни хувиллатиб, бу ёруе оламни тарк этди...

Бугун алоқа соҳасида ишлаб, халқи учун хизмат қилган ва ўзидан яхши ном қолдирган, дўстлари ва шогирдларига далда бўлган асл бир инсонни хотирладиқ. Бундай замондошларимизнинг ҳаёти ва меҳнат йўли келажак авлодга намуна сифатида кўрсатишга арзигulikдир. Zero, хотира борки, ҳаёт бардавом!

Бир гуруҳ дўстлари ва хамкасблари

Семинар

ХОДИМЛАР ХАВФСИЗЛИГИ МУҲИМ МАСАЛА

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бу – фуқароларни ишлаб чиқариш жараёни ва бошқа ҳолатларда мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган турли хавфли, зарарли омиллар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қонунлар ва бошқа меъърий ҳужжатлар асосида таъминлаш ҳамда санитария – гигиена талабларига мос меҳнат шароитларини яратиш беришдан иборатдир.

Бу борада алоқа соҳаси корхоналаридаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича масъул этиб тайинланган муҳандис-техник ходимларнинг ҳам ўз ҳиссаси бор. Уларнинг жойларида амалга ошираётган тизимли ишлари, хусусан, электромонтёрлар, кабел пайвандовчилар ва бошқа касб эгалари кўраётган

профилактик чоралар ҳамда тушунтириш ишлари амалий натижасини бериб келмоқда. Жумладан, “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиалида ўтказилган навбатдаги семинар машғулотидида ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, амалдаги қонун-қоидалар асосида изчил иш юритиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”-ги қонуни, Меҳнат кодексига ва уларнинг тегишли боб ва бандлари юзасидан қўшимча маълумотлар берилди.

Семинар давомида вилоят Бандлик бош бошқармаси меҳнат инспекциясининг давлат техник инспектори Соҳилжон Атабаевнинг “Иш бевувчининг фуқаролик жа-вобгарлиги тўғрисида”ги маълумотларни тинглади. Филиал касба уюшма қўмитаси раиси Олия Шукруллаева, корхонанинг меҳнат муҳофазаси ва

хавфсизлик техникаси бўйича бош муҳандиси Бахтиёр Фозилов, меҳнат муҳофазаси соҳасида узоқ йиллик иш тажрибасига эга фахрийлардан Бўстон Жумаев, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси олий тоифали муҳандиси Миржон Хайитов, Жондор тумани ТБ 1-тоифали муҳандиси Иноят Раҳмонов, Когон тумани ТБ 2-тоифали муҳандиси Шавкат Халилов ва бошқаларнинг ходимларга йўриқнома бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш, баландликларда ишлашда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва бошқа масалаларни камраб олган маълумотларни кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

**Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги муҳбири**

Алоқачилар ижодидан

СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН, ҲАЁТ!

Осмонда қуёш порлаб чақнаса,
Раҳмат ёмғирлари оламни қучса,
Ширин набиралар қувончга тўлса,
Сени жуда яхши кўраман, ҳаёт.

Боғлардаги гуллар очилса чаман,
Райҳон ифоридан яйрагай танам,
Қанчалар азизсан, севимли бирам –
Сени жуда яхши кўраман, ҳаёт.

Шаҳар-қишлоқларда тўй-шодиёна,
Бобою момолар доим дуода,
Ёшлар юрагида юрт ишқи ёнар,
Сени жуда яхши кўраман, ҳаёт.

Осуда кечалар, мусаффо тонглар,
Қалбингни тўлдирса шарафлар, шонлар.
Бир нури келажак турганда чорлаб...
Сени яхши кўрмай бўлурми, ҳаёт!

Маҳмуджон ИМОМҚОРИЕВ

Табриклаймиз!

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиалнинг собиқ директори Оразбай ТАЖЕНОВни қўшабоқ байрам – муборак саксон ёши ҳамда 7 май – Алоқачилар куни билан сизидан табриклайди. Унга янада узоқ умр, соғ-саломатлик, фарзандлар ва неварачеварлар ардоғида юришини тилайди.

**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**



Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини

АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билан муборакбод этади.



O'ZBEKISTON POCHTASASI

**Соҳа ходимларини
КАСБ БАЙРАМИ
билан табриклайди.**



**Хушxabарлар доимий
хамроҳингиз бўлсин!**

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК
ЖАМОАСИ**



Гўзал юртимиз алоқачиларига
КАСБ БАЙРАМИ ҳамда
ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ КУНИ
муносабати билан самимий
тилакларини йўллайди.



“UNICON.UZ” ДУК ЖАМОАСИ

Соҳа фидойиларини
КАСБ БАЙРАМИ
билан муборакбод этади.



Эзгу мақсадларингизни
амалга оширишда Сизларга
куч-қувват ва омад тилаймиз!

“ALOQALOYUNA” ДУК ЖАМОАСИ

Бетакрор, Ўзбекистон
заминида меҳнат қилаётган
барча алоқачиларни
КАСБ БАЙРАМИ
билан табриклайди.



Меҳнатларингиз роҳатини
кўриб юринг, азизлар!

Республикаимиз алоқа ходимларини
КАСБ БАЙРАМИ ҳамда **ХОТИРА** ва **ҚАДРЛАШ**
КУНИ билан табриклайди!

Баҳорнинг фарахбахш кунларида
нишонланаётган ушбу байрам давомий бўлсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

“ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

“O‘ZIMPREKSAOLOQA” MCHJ
ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз
алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМИ
билан чин дилдан
муборакбод этади.



Ҳаётингиз ҳар лаҳзаси
мазмунли ўтсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Ахборот технологиялари
соҳаси ходимларини
КАСБ БАЙРАМИ
билан самимий табриклайди.



Жонажон юртимизда
доимо тинчлик ҳукм сурсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан барча касбдошларини кутлайди.



Сизга омад ва бахт ёр бўлсин!

Соҳа ходимларини
АЛОҚАЧИЛАР
БАЙРАМИ

билан муборакбод этамиз!




“Ўзбектелеком” АК
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Гўзал юртимиз алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМИ
билан муборакбод этади.



Эзгулик зиёси хонадонингизни
ёритиб, қалбингизни доимо нурафшон
этиб туришига тилакдошимиз!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ахборот технологиялари соҳаси
ходимларини **Алоқачилар кўни**
билан табриклайди!



Ватанимиз тўнглари
ҳамиша мусаффо бўлсин!

Республикаимиз алоқа
ходимларини
КАСБ БАЙРАМИ
билан кутлаймиз!



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
**БУХОРО ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК НОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган
барча ҳамкасбларини


КАСБ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.



Хурматли ҳамкасблар!
Ушбу шукуҳликунларда сизларга
тинчлик-хотиржамлик,
хонадонингизга кут-барака
тилаймиз!

ТАНЛОВГА



БОЛАЛИК ОРЗУИМ РЎЁБГА ЧИҚДИ

Болаликдаги орзулар, яхши ниятлар, телевизордаги кўрсатув ва дастурлар, радио орқали эшитганларим мени шу соҳага йўналтирган десам ҳам бўлади. Эфирлар қандай қилиб телевизорда кўрсатилади ёки оддий қўтидан овозларнинг янграшига нима сабаб бўлади, деган ўйларга қизиқа-қизиқа охири барчасига жавоб топдим.

Алоқа соҳасига илк қадамимни ўрта-махсус таълимни битирган йилимдаёқ қўйдим. 2014 йили Бухоро радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение узатиш марказида алоқа монтаж вази-фасида иш бошладим. Касбимга бўлган қизиқишим туфайли ушбу соҳа ходимлари орасида ўз ўрнини топишим қийин кечмади. Болаликдаги саволларимга иш фаолиятим давомида жавоб топиб бордим. Кўрсатувларнинг қандай, қаердан келиб чиқиши, уларнинг узатилиши ва қабул қилиниши экранларимизда қай тариха намоён бўлиши – ҳаммасини англадим.

Менга касбим жуда ёқади. Чунки бу касбда биз ходимлар ҳам ақлан, ҳам жисмонан меҳнат қиламиз. Белгиланган жадваллар асосида, кўрсатувларга халақит бермаган ҳолда, телеузатувчи курилмаларда профилактика ишларини олиб борамиз. Бундай ишларга буйруқ ва кўрсатмалар асосан тунги соат 01:00да бошланади ва тонгги 06:00гача давом этади. Бу вақт оралиғида биз хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда курилмаларнинг барча қисмларини кўздан кечиришимиз, нуқсонларини бартараф қиламиз, камчиликларни бўлса, тўғрилаймиз, хуллас, уларнинг бир маромда, тўхтовсиз ишлашини таъминлаймиз. Бизга юкланган асосий вазифа ҳам айнан шундан иборат.

Буғунимизни радио ва телевидениесиз тасаввур қилолмаймиз. Телеканалларимиз фойдали кўрсатувлар, қизиқарли дастурлар, филмлар, болажонлар учун мультфилмлар, ўқувчиларимиз учун онлайн дарс жараёнлари ва турли мавзулардаги янгиликлар билан бойитиб борилмоқда. Ушбу маълумотлардан халқимиз ҳеч бир муаммоларсиз баҳраманд бўлиб бориши учун биз туну кун меҳнат қилиб, ўз вазифамизни бажаряёмиз. Бундан жуда хурсандман.

Мен иш бошлаган пайтларимда аналог узатгичлар хизмат кўрсатарди, ҳозирги кунга келиб телеузатгичларимиз рақамли форматга ўтган. Эндиликда радиоузатгичларимизнинг ҳам аналогдан рақамлига ўтказилиши режалаштирилган.

Бухоро РТСда уч йил ишладим. Изланишларим, касбимга бўлган меҳрим, ишимга нисбатан масъулиятимни ҳисобга олган раҳбарларимиз мени Бухоро радиотелевидение узатиш марказига қарашли Қоровулбозор радиотелевизион станциясига наватчилик ишига ўтказишди. Чекка ҳудудда халқ хизматида ўз фаолиятини давом эттира бошладим. Бу ишим аввалгисидан ҳам масъулиятли эди. Устозларимдан иш ўрганишда давом этдим.

Қоровулбозор РТСда битта рақамли телеузатувчи ва иккита кам қувватли аналог радиоузатувчи курилмалар мавжуд. 2020 йилда раҳбарият буйруғи асосида мен яна Бухоро РТСга наватчи ёрдამчиси лавозимига тайинландим. Ҳозирги кунда шу ерда фаолиятимни давом эттирялман.

Дарвоқе, мен АКТ вазирлиги тавсияномаси асосида олий таълимга ўқишга қабул қилиндим. Бу мен учун кутилмаган хушхабар эди. Ҳозирда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация технологиялари факултетининг сиртки таълим йўналишида 1-босқич талабасиман. Бу менга берилган жуда катта имкониятлар калитидир.

Мен бу соҳани танлаганимдан хурсандман ва касбим билан фахрланаман. Келажакда соҳамга янгиликлар киритиб, халқимизга нафли ишларни амалга ошириш ниятидаман.

Йигитали НУТФУЛЛАЕВ,
Бухоро РТУМга қарашли Бухоро РТС электромеханиги

Қутлов!

■ Реклама ва эълонлар



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

9 май –

Хотира ва Қадрлаш кунида
Ўзбекистон аҳолисига тинчлик-хотиржамлик тилайди.



Юртдошларимизга
чуқур ҳурмат, эҳтиром ва
эзгу тилаklarини йўллайди.

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Кафедра мудири:

“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси – 1.

Доцентлар:

“Компютер тизимлари” кафедраси – 1, “Чет тиллари” кафедраси – 1, “Ахборот технологиялари” кафедраси – 1.

Катта ўқитувчилар:

“Ахборот технологиялари” кафедраси – 1, “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси – 1, “Физика” кафедраси – 1, “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси – 1, “Жисмоний маданият” кафедраси – 1, “Почта алоқаси технологиялари” кафедраси – 1.

Ассистентлар:

“Ахборот технологиялари” кафедраси – 1, “Физика” кафедраси – 1, “Олий математика” кафедраси – 1, “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси – 1.

Аризалар чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Тел.: 71-238-64-06.

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирлик бош мутахассиси Сирожиiddин Усмоновга онаси

Шоира УСМОНОВАНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирлик бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи Акмал Савурбаева отаси

Абдумўмин САВУРБАЕВНИНГ
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.



Aloqachilar kuni muborak bo'lsin!

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдуғани АБДУРАХМОНОВ

Таҳрир Ҳайъати:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт


Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

10000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Солижон ЗОИРОВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа
уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навобий кўчаси 30-уй.

V 4666 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табоқ. **Адади:** 5760

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда (74) 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навойида (79) 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (99)508-30-52 Тошкентда 234-18-59 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада (73) 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99